


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАНШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил ноябр—декабр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

— Баҳоси эркин нарҳда



• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармони билан Маркс Жуманиёзов қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги этиб тайинланди.

• Олий Мажлис Кенгаши демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни ҳимоялашга оид ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши устидан назорат қилинишини таъминлаш мақсадида Олий мажлис ҳузурида Амалдаги қонунчилик мониторинги институтини ташкил этишга қарор қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида «Қишлоқ ҳўжалик экинлари пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилинди.

• Туркманистон Президенти Сапармурод Ниязов 27 ноябр кунин расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

• 25-27 ноябр кунлари Тошкентда «Ўзбекистон иқтисодиётининг нодавлат секторини ривожлантириш муаммолари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

• Хоразм вилояти деҳқонлари 290 минг тонналик «Оқ олтин» хирмонини уйиб, пахта тайёрлаш йиллик топширигини бажардилар. Айни пайтда вилоят шоликорлари ҳам қўзланган маррага эришдилар. Қабул пунктларига 102 минг тонна шоли топширилди.

• Ноябрь ойининг охирида «Тошкент» аэропорти «Боинг» самолётини қабул қилиб олади. Булар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (МАК)нинг замонавий авиалайнерлар паркинги тўлдирди. Самолётни Американинг Сизтл шаҳридан А. Рўзमतов ва А. Шрамко экипажи бошқариб келади. Орадан яна бир неча кун ўтгач, «Боинг» ўзбекистонликлар бошқарувида Деҳли, Карачи, Истанбул, Чоржўй ва бошқа йўналишларда парвоз қила бошлайди.

• Токиода самбо кураши бўйича ўтказилган XX жаҳон чемпионатида ўттизга яқин давлатларнинг полвонлари иштирок этди. Республикамиз самбочилари ушбу нуфузли турнирда муваффақиятли қатнашиб, Россия ва Украинадан сўнг умумжаҳон ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгалладилар.

ЎЗА ва Республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди

УШБУ СОНДА:

3-БЕТ
1 декабр—халқаро ОИТСга қарши кураш кунин
АНЯНИНГ ЯШАГИСИ КЕЛАДИ, АММО...

«Гуллаб турган ҳаётда бирдан ўликлар ҳисобига кириб қолиш жуда даҳшатли туюлса керак».



4-БЕТ
«УНИ МАШЎУМ ХАЁЛЛАРДАН-ДА ҚИЗ-ҒАНАР ЭДИМ...»

Ярангизни тирнагани келдим, узр...
«Олмос момо! Мен бугун кўнглингизни кемириб ётган ғамингиздан, ҳасратингиздан, тотингани, дардингиздан дардманд бўлгани келдим...»

6-БЕТ
ОТАСИДАН ҚОЛГАН ЯЙЛОВЛАР
«Қўлга ушланавериб ялтираб кетган иргай таёққа қараб ўй суриб қолдим. Муқаддас таёқ. Муқаддаслигининг боиси шундаки, бу таёқни Номоз бобо ҳам бир умр ардоқлаб ўтган...»



АЁЛ ВА ЗАМОН

Самарқандда вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва республика «Олима» уюшмасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида «Аёл ва замон тараққиёти» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманни ҳоким ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитасининг раиси Назира Ҳайитова кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг республикада демократияни чуқурлаштириш шароитларида хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқлари мавзусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, «Олима» уюшмаси раиси, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Сайёра Рашидова, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида вилоят хотин-қизлари ўртасида тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш йўллари ҳақида «Олима» уюшмасининг вилоят бўлими раиси ўринбосари, Самарқанд савдо олийгоҳи доценти Тақлифа Каримова, хотин-қизлар кўмиталарининг республикада фаолият кўрсатаётган хорижий жамғармалар ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш мавзусида Боғишамол туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Мавлуда Шириновалар маъруза қилишди.

Барно САМИЕВА

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ХЎЖАЛИК, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ ВА ОБУНА ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Оппа ва жамият» таҳририяти ва масъулияти чекланган «Туркистон ёшлари» жамияти 1997 йил учун «Оппа ва жамият» газетаси обунасини намунали ташкил этган ташкилот, корхона, хўжалик, фирма раҳбарлари ва жамоатчи ташкилотчилар учун қўйидаги мукофотларни таъсис этади:

I ўрин — ДЭУ телевизор
II ўрин — ДЭУ чанг ютгичи
III ўрин — 10 минг сўм пул мукофоти

ОБУНАНИ УЎШТИРИШГА ШОШИЛИНГ!

ЭРҚУЛОВ «ДАМАС» ОЛДИ...

Балки Сиз сарлавҳани ўқиб «Ажаб бўпти, ҳўп бўпти!» дерсиз. Энди гапни «Экосан» халқаро жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими директори Убайдулла Хўжабековдан эшитинг:

— Вилоят ҳокимлигининг бизга бўлган эътибори туфайли шу йил шанбалик ўтказилди, натижада ҳисобимизга анчагина пул келиб тушди, аъзолик бадаллари йиғдик, жамғармамиз ўзини ўнглаб олди. Аммо ҳисобда пул бор дегани — бу кўнглинг тусанган ишни қилавер, дегани эмас. Маълумки, Сурхондарёнинг юқори тарафларида, хусусан, Узун, Сарийосиё, Денов, Олтинсой туманлари аҳолиси, замини, чорваси Тожикистон алюмин заводи захаридан азият тортишмоқда. Бундан-да бошқа ҳам экология билан боғлиқ муаммоларимиз кўп. Ана шундай бир пайтда, тийини тийинга уриштириб иш олиб бораётган вақтимизда «Экосан» жамғармасининг Денов туман бўлими директори Саид

Эрқулов вилоят жамғармаси бўлимининг ижозатисиз ва бўйруғисиз Денов «Автохизмат» ҳиссадорлик жамиятидан 403 минг 200 сўмга «Дамас» русумли микроавтобус сотиб олди. Бу ҳақда Денов туман ҳокими Тило Менглиев фармойиш чиқариб берганмиш. Ҳолбуки «Экосан» жамғармаси нодавлат ташкилот ҳисобланади. Шундай экан, ўз-ўзидан равшанки, туман ҳокимининг фармойиши ноқонуний ҳисобланади. Саид Эрқуловнинг яна бир «кашфиёти» шуки, у яп-янги машинанинг «техник қарови» учун деб қўшимча яна 20 минг 160 сўмни сарфлаган... Иккинчидан эса, бизда автомашинага хизмат қилиш учун ҳайдовчилик ўрни-шати ҳамда ёнилғи фонди ажратилмаган. Шундоқ қўл остимиздаги одамнинг ишидан ҳайронлол бўлиб ўтирибман. Аслида деновликлар шанбалиқдан, аъзолик бадалларидан йиғилган пул Эрқуловнинг «Дамас» олиб, ро-

ҳат қилиб юриши учун белгиланмаган эди. Лекин, астафурилло Эрқулов шу ишнинг уддасидан чиқди...

Хуллас, «Дамас» можароси ҳали тугагани йўқ. Убайдулла Хўжабеков катта майдонда Саид Эрқуловга қарши «жанг» эълон қилган. Вилоят миқёсидаги идораларга ёзма равишда мурожаат этаяпти, қўнғироқлар қиляпти. Аммо ҳалигача бирон натижа чиққани йўқ. Назаримизда натижа чиқадиганга ҳам ўхшамайди. Чунки Саид Эрқулов ҳам зўр одам. Умрининг кўп қисми раҳбарлик лавозимларида кечган бу одамни унча-мунча дўк-пўписа билан чўчитиш бўлмаслигини Хўжабеков акаимиз ҳали билиб улгурганича йўқ... Иккинчидан эса, кексалик ҳам ўзининг қадрини биланганга ва имкони бор одамга ажиб бир даврон.

Оббо!

Махмуд АБУЛҲАЙЗ
Сурхондарё вилояти



А. ПАРДАЕВ олган сурат

Ўзбекнинг феъли

ЮЗЛАРИ ОФТОБЛИ БЕКА

...Келинчак Ҳафизахон трамвайда кетиб боради. Кекса отахоннинг кучоғидаги болакай унга қараб талпинади.

— Фарзандинг борми, қизим? — деб сўрадилар отахон.

— Ҳозирча йўқ... — тортиниб жавоб қайтарди Ҳафизахон.

— Мана шу болани ўзингга ўғил қилиб олмайсанми?

Кутилмаган бу саволга Ҳафизахон нима деб жавоб қайтаришини билмай қолди. Маълум бўлишича, болакайнинг ота-оналари ажралишиб, мурғакки-нани ҳаётининг тўрт кўчасига ташлаб кетишган, мўйсафид бобо уни «Болалар уйи»га топшириш ниятида экан. Ҳафизахон гарчи ўша лаҳзаларда турмуш ўртоғи ва оила аъзоларидан бемаслаҳат бир қарорга келмоққа иккиланган бўлса ҳам, орадан бир ҳафта ўтмай, исмию жисми, жовдираган меҳрталаб кўзлари қалбига ўрнашиб қолган болачани Тошкентдаги «Болалар уйи»ларидан излашга тушди. Пойтахтдан тополмади. «Янгийўлда» «Болалар уйи»га бориб кўринг», деб маслаҳат бериши — у ерда ҳам йўқ.

Бу изланишлар Ҳафизахоннинг ҳаётида кутилмаган, шу пайтгача кўрган-кечирганларига сира ўхшамаган саҳифасини очган эди. Ўшанда «Болалар уйи» ҳозирда «Меҳрибонлик уйи» деб аталадиган ҳар бир даргоҳга қириб бораркан, ўнлаб, юзлаб жуфт кўзларда «Келаётган менинг онам эмасмикан?», деган илинж, умид, соғинччи ҳис қиларди.

Болаларнинг кўнглига қараб «Меҳрибонлик уйи»ларида ётиб қоларди. Тунлари алламаҳалгача тарбияланувчилар билан гаплашиб ўтирарди. Бола қалбини нақадар покиза, улугвор, олижаноблигига мана шундай суҳбатлар пайтида тан берарди.

Бир гал ота-онасига интизор

қизининг кўнгли тубидаги сўзларини оҳанграбо тасмасига ёзиб келди. Киз ота-онасига мурожаат қилиб, ўзини улардан бири уйларига олиб кетишларини, ҳеч бўлмаса, вақт топиб хабар олишларини илтимос қилганди. Кўп ўтмай қувончли хабар келди — қизни отаси олиб кетди. Шунда Ҳафизахоннинг умр дафтарига боғланиб қолган «Тирик етимлар» деган нурсиз саҳифага бир тола шуъла тушгандек бўлди. Унинг ҳаракатлари, куюнчақлик, самимияти, чин аёлона қалби билан тайёрлаб, Ўзбекистон радиосининг ҳар тонгида республикада таралган «Келажак тонги» (аввалги «Пионер эрталиги») номи билан қалбларга кириб борган эшиттиришларининг хайрли оқибатлари ўлароқ, бир неча кизлар, ўғиллар ўз уйларига қайтдилар...

Бир ўксик дилини шод этмоқ Маккаи Мадинани зиёрат қилмоқ билан тенг экан. Ҳафизахон опа номига мамлакатимизнинг узок-яқинларидан келадиган миннатдорчилик мактубларининг аксарияти соддаю самимий шеърый сатрлар билан яқунланади. Опа мактуб эгаларининг дилидаги энг нозик сирларини оғриқларига ҳис этадилар, шодликларидан онадек қувонадилар.

Уша трамвайдаги кутилмаган воқеадан буён чорак аср вақт ўтибди. Бу орада Ҳафизахон опа билан Холмирза аканинг қатор ўғиллари, қизлари вояга етишди. Биз шу йиллар ичида ҳам оиласининг, ҳам қадрдон иш жойи — Ўзбекистон радиоси «Маориф ва тарбия» муҳарриратининг ўтидан кириб, қулидан чиққан Ҳафизахон опа Хайитметованинг умр йўлларида бир ҳавасманд нигоҳ ташладик, холос...

Муҳтарама УЛУҒОВА

Серқирра ижодкор

Давр истеъдодларни тарбиялайди, авлодларни вояга етказиши. Инсон пайдо бўлибдики, у яшаётган барча даврларда ижтимоий муҳит истеъдодларни тарбиялаб вояга етказган. Хусусан, асримиз бошларида Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Муҳаммадшариф Сўфизода каби истеъдодлардан иборат ўзбек адабиётининг янги авлоди юзага келди. Янги адабиётимизнинг иккинчи бўғинини Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Зулфия, Шайхзода, Миртемир каби жўшқин ижод соҳиблари ташкил этади. Кейинги авлодга эса Мамарасул Бобоев, Раҳмат Файзий, Асқад Мухтор, Шўхрат, Саид Аҳмад, Ҳаким Назир, Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин... мансуб. Дарвоқе, Октябрь тўнтариси арафаларида дунёга келган, ўз ижодини асримизнинг 30-йилларида шеър, лавҳа ва очерклар ёзишдан бошлаган Иброҳим Раҳим ҳам аини шу авлодга мансубдир.

Иброҳим Раҳим ўзининг ҳикоя ва очерклари, қисса ва романлари, публицистик мақола ва киносценарийлари, драматик асарлари билан адабиёт ва санъат ҳазинасига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қалам-кашларимиздан. Олтмиш йилдан зиёдроқ вақтдан буён ижодий фаолият билан шуғулланаётган Иброҳим Раҳимнинг номи китобхонларга шиддату шижоатга, жасурлигу мардликка лиммо-лим асарлар муаллифи сифатида яхши таниш.

Бугунги кунда унинг «Чин муҳаббат», «Тақдир», «Тинимсиз ша-



ҳар», «Фидойилар», «Ҳилола», «Оловкор», «Мангулик кўшиги», «Оқибат», «Генерал Равшанов», «Жоним фидо», «Чақмоқ», «Ёшлик қайтиб келмайди» каби асарлари ва мустақилликнинг фидойилари, истиқлол даврининг қаҳрамонлари ҳақидаги очерклари кенг жамоатчиликка яхши таниш.

Мана, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим 80 ёшда. Бугунги кунда ҳам мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида, истиқлол ва шу куннинг муҳим долзарб муаммолари ҳақида публицистик мақолалар ёзаётган, йирик асарлар устида иш олиб бораётган адабимизга мустаҳкам соғлиқ ва ижодий куч-ғайрат тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси республика Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Фуломовага акаси

Хусанхон МУХАММЕДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Оила ва жамият» газетаси тахририяти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Фуломовага акаси

Хусанхон МУХАММЕДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Шу йилнинг октябр ойида Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистон мамлакати вакиллари иштирокида «Оммавий матбуот воситалари ва ОИТС (СПИД)га қарши тарғибот» мавзусида ЮНЕСКО томонидан халқаро семинар ўтказилди. Семинарда мутахассислар, матбуот ходимлари қатнашди-лар.

Газетамиз мухбири ҳам бу анжуманда иштирок этди.

ОИТС (СПИД) ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Ҳар қандай замонда инсон ақлини лол қиладиган мўъжизалар билан бирга ақл бовар қилмас муаммолар ҳам бўлади. Айтилиқ, инсон XX асрда рентген нурлари, радио тўлқинлари ва атомни яратди. Бироқ у мудҳиш бир дард — ОИТС олдида ожиз қолди.

Илк бор врачлар 1959 йили силли бир касалликка дуч келишди. Бироқ ташхис қўя олмайдилар. Йиллар ўтиб бу касаллик ер шарининг бошқа минтақаларида ҳам учрай бошлади.

1979 йили Нью-Йоркда икки бемор ҳалати шиш билан ўз врачларига мурожаат қилишди. Аввалига врачлар бу касалликка Кашон саркомаси деб ташхис қўйишди. Аммо кўринишидан дарднинг кечиси Кашон саркомасидан бутунлай фарқ қилар эди. Қизиғи шундаки, ушбу дард кўп ҳолларда бачабозларда учрайди ва уни энди БИТ, яъни бачабозларда иммунитет танқислиги деб аташди. Бу касаллик кўп-лаб учрай бошлагандан кейин эса врачлар унинг изига тушишди. Ва унинг тарқалиш сабаблари ҳамда

белгиларини топишга муваффақ бўлишди. Бу ўринда америкалик олимлар Говард Темин ва Дэвид Бэлтиморнинг хизматлари катта. Айнан мана шу ихтиролари учун улар кейинчалик Нобел мукофоти билан тақдирлангандилар. Ушбу вирусларни аниқлаш усуллари ишлаб чиққан олимлардан яна бири доктор Роберт Гелло ҳам оламга машҳурдир. Вирусни биринчи бор расмга олган врач эса франгистонлик олим Люк Монтане. Шундан бир оз кейин Монтане ва унинг ҳамкасблари Франсуа Барре-Синусси ва доктор Жан-Клод Шермани ушбу вирус ҳақида батафсил хабар беришди. Шундай қилиб дунё инсонда иммунитет танқислигини келтириб чиқарувчи вирус ҳақида маълумотга эга бўлади.



АНЯНИНГ ЯШАГИСИ КЕЛАДИ, АММО...

Гуллаб турган ҳаётда бирдан ўликлар ҳисобига кириб қолиш жуда дахшатли туюлса керак. Аммо бунга ҳам ўрганиб қоларкансан, дейди кечагина мактаб ўқувчиси бўлган Аня. Бу қизча Русиянинг Калининград шаҳрида яшайди, кечагина олиё ўқув юртига киришни орзу қилиб юрган қизалоқ бугун катталарча мулоҳаза юритиб, онасини юпатади. Аммо онаси бунга чидай олмапти. Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки. Аняга ОИТС врачларнинг бефарқлиги туфайли юқган.

Аня тиши оғриб, поликлиникага мурожаат қилади ва ҳамма бало шундан кейин бошланади. Кайфиятдаги нохушликлар, тана ҳароратининг ошиши ва шунга

ўхшаш белгилар... Натижада унга қўйилган аниқ ташхис — ОИТС.

Биз Аняга ОИТС врачлар бефарқлиги туфайли юққан деганимизда асос бор. Чунки, улар Аняни поноза игна билан муолажа қилганлар. Қолаверса, Аня ҳеч қачон жинсий алоқада бўлмаган. Гиёҳванд ҳам эмас.

Бу дард Калининградда янгилик эмас. Вилоят ОИТСни аниқлаш ва даволаш маркази бош врач Ю. Пацкиннинг айтишига қараганда, бугунги кунда Калининградда ҳар ойда 50дан ортқ ОИТСга чалинганлар аниқланмоқда. Уларни даволаш эса ачинарли аҳволда. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бир беморни даволаш бугунги кунда 150 миллион рублдан ортқ туради. Бундай маблағ касалхона бюджетида умуман йўқ. Шундай экан, бу ерга ётқизилган беморлар умуман даволаниш билан эмас, у дунёга ўз руҳларини тайёрлаш билан овора. Шунинг учун ҳам ҳар бирининг қаровати устида хоч ва шунга ўхшаш муқаддас ашёлар туради.

ОИТС тирик мурдалар касаллиги экани ҳаммага маълум. Шундай экан, шу дардга чалингандан кейин эмас, чалинишдан олдин жиддий ўйлаш керак. Аммо Анядек бошқаларнинг бефарқлиги натижасида ҳам ОИТСга чалиниб қолишни унутмаслик лозим. Бундан Яратгanning ўзи асрасин.

«Труд» газетасидан олинди

ДАРДНИ ДАРД ЧЕККАН БИЛАР

Дунёда дард кўп. Ундан фориғ бўлиш йўллари ҳам талайгина. Аммо шундай ҳасаликлар ҳам борки, уларга даво йўқ. Шулардан бири ОИТСдир. Маълумки инсон танасида табиий ҳимоя унсурлари мужасам. Ваҳоланки, танамизда минглаб микроблар юради. Кўпинча биз улардан унчалик зарар кўрмаймиз. Аммо бу микробларнинг ҳар бири айнан мана шу ОИТС вируси юқтирилган даврдан бошлаб инсоннинг ашаддий душманига айланади.

Одатда юқумли касалликлар ташйидиган вируслар одам танасида 1—5 кунда ўз таъсирини кўрсатиб улғуради. Масалан, А гепатити, яъни сариқ касал, унинг юзага чиқиши 4 ҳафтагача чўзилиши мумкин. Бироқ ОИТС вируси одам жисмида оймаб, йиллаб юриши мумкин.

ОИТС вируси юққан кишининг 70 фоизидан бир неча ҳафта ўтгандан кейин иситма ошиши, томоқ оғриши ва баданларида энгил тошма ҳосил бўлиши кузатилади. Одатда бунга кўпчилик эътибор ҳам

бермай ўтказиб юбориши мумкин. Аммо бу деган гап бемор ўз-ўзидан тузалиб кетди дегани эмас. ОИТС билан бир марта захарланган одам умрбод касалланади. Тўғри ОИТС белгилари йиллаб кўринмай кетиши мумкин. Бемор бутунлай соғлом одамдай юраверади, бироқ бундай инсонлар бирор касалликка чалинганларида дард ошкор бўлади. Чунки бу пайтга келиб танада ҳимоя воситаси мутлақо йўқолиб, организм хасталик олдида ожиз бўлади.

ОИТС вируси юққан кишида асосий белгилар бўйиндаги лимфа безлари йўқолашуви, қўлтик ва қовуқ атрофидаги безларнинг шишуви ва шунга ўхшашлар. Аммо бундай ҳолларда ҳам киши ўзини бемор деб сезмайди, врачларга боришни ўзига лозим деб ҳам билмайди. Бироқ дард кучайиши сайин одам ўзини тез ҳолсизланувчи, кўп йўталувчи, тез-тез безгақ тутадиган бўлганини сезади. Бемор кечалари кўп терлайди ва озиб кетади. Танасида тошмалар кўпаяди, оғиз бўшлиғида яраланиш кучаяди.

XX аср ўлати, деб аталмиш ОИТСдан сақланиб бўладими? Қандай қилиб унга йўқолмаслик мумкин, унга чалинган, омон қолса бўладими? Булар асримизнинг энг муаммолари саволларидан бўлса эҳтимол.

Бугунгача маълумки, ОИТС асосан 70—80 фоиз ҳолларда жинсий алоқа йўли билан юқади. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, жинсий алоқанинг ҳам ўта бузуқ ҳолларида учрайди. ОИТС вируси инсон қонида, ундаги сперматозоидларда кўп бўлиб, бошқаларга шу йўл билан ўтади. Бундан ташқари сўлакда, тупуқда, тер томчиларида ҳам ОИТС вируслари бўлади. Аммо бу ҳолатлар шу даражада камки, ҳозиргача бу йўл билан захарланган беморлар аниқланмаган. ОИТС вирусининг яна бир юқиш йўли

қон орқалидир. Бу энди албатта медицина — яъни қон қўйиш, қон билан ишловчиларнинг тозаланиши қилишлари, донор қонининг тозаланиши ва бошқа омиллар билан боғлиқ. Қизиғи шундаки, кейинги вақтларда бу вируснинг болаларга она сутти орқали юқиши ҳам аниқланди. Бугунга келиб дунёдаги кўп-лаб болалар шу дарднинг қурбонига айланмоқда.

ОИТСдан сақланишнинг асосий омилларидан бири бу инсоний фазилатларни йўқотмаслик, яъни ҳаром-ҳариш юрмаслик, зино қилмасликдир. Қолаверса, замонавий tibбий воситалардан фойдаланиш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Ҳозирги кунда бу дард Оврупо, Америка қитъаси, Африка ва бошқа минтақаларда кўп тарқалган ва бу хасталик оқибатида йилга минглаб одамлар ҳаётдан бевақт кўз юммоқдалар.

Инсонга умр бир маротаба берилади, уни қандайдир бир дақиқалик кайфиятга мойилликка ва жиддан бой бериш ақлдан эмас. Ораста ва иймонли бўлинг, билмаган ҳолда ҳаёт лаззатидан ўзингизни ўзингиз маҳрум қилиб қўйманг, азизлар!

ДАХШАТЛИ

РАКАМЛАР

1995 йил охирларида дунёда 24 миллион киши мана шу вирусга чалинган эди. Улардан ўн миллиони аёллардир.

Қизиғи шундаки, ОИТС иқлим, табиий шароит «танламайди». Бироқ у баъзи бир мамлакатлар, жумладан Африка қитъасида жуда кўп тарқалган.

Маълумотлар шу нарсани кўрсатмоқдаки, кейинги пайтларда бу дард аёллар ичида ҳам «оммавийлашиб» бормоқда. Айтилиқ Фарангистонда 1985 йили бу вирус билан касалланган беморларнинг 12 фоизини аёллар ташкил қилган бўлса, кейинги ўн йил ичида бу кўрсаткич 20 фоизга етди. Бразилияда 1984 йили ҳар юзта касалдан бири аёл бўлган бўлса, ҳозирга келиб ҳар тўрт бемордан биттаси аёл кишидир.

Юқорида айтганимиздек, Африка қитъасида аҳвол яна ҳам оғирроқ. Бу ерларда ҳар уч фоҳишадан бири айнан мана шу дардга чалинган. Айтилиқ, Сахара жанубида ҳар

беш эркакка олти бемор аёл тўғри келади. ОИТС асосан жинсий алоқа йўли билан тарқалишини ҳисобга олсак, албатта, одамни дахшатга солади. Бундан ташқари, бу вирус 5—10 фоиз миқдорда онадан болага ўтиш йўли билан, 5—10 фоиз ҳолларда гиёҳвандларнинг бир игнадан фойдаланиши, 3—5 фоиз миқдорда эса қон қўйиш орқали тарқалмоқда.



Саҳифани Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади



Тарихда жуда кўп истилолар бўлган. Ва бундай истилога учраган ҳеч бир давлат, миллат, халқ унинг зулмидан, асо-ратларидан бенаиб бўлмаган. Жумладан, бизнинг ватани-миз, халқимиз ҳам бир асрдан ортиқ бундай азобларни кўр-ди. Очарчилик, қувғинлар, қатагонлар, миллат шаънининг, тарихининг оёқ ости қилиниши жафокаш халқнинг тинкаси-ни қуритди.

Собиқ тузумнинг ўйламай юритган сиёсати туфайли қан-чадан-қанча йигитларимиз қурбон бўлдилар.

Бугун ул кунларнинг азобларини эслаш оғир. Булар та-рихга айланди. Бугун юртимиз мустақил. Бироқ ул азобли хотираларни ёдга олиш нечоғли аянчли бўлмасин, биз бун-га мажбурмиз. Зеро, бугунги шодумон кунларнинг қадрига етиш учун ҳам бу жуда муҳимдир.

Айтадиларки, Ҳақ субҳаноҳу та-оло Одамнинг зуваласини лойдан пи-шитиб бўлган, унинг устидан қирқ кун ғам селини, атиги бир кунгина қувонч ёмғирини ёғдирган эмиш.

Ғамнинг, ташвишнинг турлари бе-нихоя. Кимнидир фақирлик, кимни-дир гадолик, кимнидир бойлик, ким-нидир шохлик, кимнидир хиёнат, кимнидир ҳижрон, кимнидир ноко-бил фарзанд, кимнидир... Хуллас, тақдир йўриги, тангрининг буйруғи билан ҳар кимни ҳар хил қайғу қа-ритади. Аммо қайғулар ичра энг оғир қайғу, бу — бевақт ўлим қайғуси экан...

Олтинсойнинг Дегрез қишлоғида яшовчи Олмос момо Қурбонвани ана шу бевақт ўлим қайғуси эрта қаритган. Унинг йиқилса суянадиган тўрт нафар норғул ўғлининг — тўрт мустаҳкам қоясининг бири йўқ эн-ди.

Тоғдай бир йигитнинг гулдаи ум-ри хазон бўлиб кетса, рост, дунё-лар йиғласа арзир. Аммо дунёлар йиғисининг юки, залвори бёрғина Онаизорнинг муштдай юрагига туш-гани оғир, нақадар оғир...

...Дарахлар қуюқ соя солиб тур-ган озода ҳовли. Ховуз бўйидаги салқин супага кўрпача ташланган. Дастурхон бошида Олмос момо ик-кимиз юзма-юз ўтирибмиз. Қарийб олтишини қоралаган момонинг ма-нглайида, юзларида, салқи тушиб қолган қабоқларида сонсиз ҳасрат чизиклари, доғи-ҳижрон излари — ажинлар.

Бундай пайтда мақсадга кўчиш қийин. Муддаомни айтолмайман. Сўз айтишга тилим айланмайди. Сўз сўрашга юрагим бетламайди. Жим-гина сукут сақлаб ўтирибмиз. Ол-мос момо гарчи мени биринчи бор кўриб турган бўлса-да, негадир «Кимсиз? Нега келдингиз?» — деб сўрамайди. Фақат ҳар замонда: «Олинг, меҳмон, таомлардан тоти-ниб тулинг», — дейди, холос.

Тилимга чиқишга журъат этолма-ган хитобим юрак деворларига ури-либ-урилиб жаранглайверади:

«Олмос момо! Мен бугун кўн-глингизни кемириб ётган ғамингиз-дан, ҳасратингиздан тотингани, дар-дингиздан дардманд бўлгани кел-дим. Айтирмани дангал айтсам, гу-ноҳимдан ўтинг, момо. Мен яран-гизни, қалбингиздаги зарбдо тўла ярангизни тирнагани келдим.

Кўкайингиз қуриб, кўк томирин-

гиз чириб боққан болангизнинг эн-ди ҳузурини кўраман, деб турганин-гизда, шум тақдир Сизга унинг до-ғи-ҳижронини кўрсатди.

Бевақт ўлимлар курсин, момо. Қирчинининг ўлими қиёмат бўла-ди, дейдилар. Сиз шу қиёматни кўр-дингиз. Сиз шу қиёматнинг ичиди юрдингиз. Муштдекина юрагингиз билан Армоннинг оғир юқларини қандай кўтардингиз? Сиз нимага суяндингиз? Бардошгами ё емирил-мас қоягами, айтинг, момо?

Биламан, кўнгли ярангизнинг жа-роҳати оғир, жудаям оғир. Тирна-сам, суяк-суягингиз сирқираб оғир. Лекин унинг зардоблари оқиб чи-қиб кетади. Зардобингиз, азобин-гиз оз бўлса-да, арийди. Айтинг,

«УНИ МАШЪУМ ХАЁЛЛАРДАН-ДА ҚИЗҒАНАР ЭДИМ...»

Ярангизни тирнагани келдим, узр

айтинг, момо, енгил тортасиз...»

Олмос момо ҳикояси

Қўлингга қуш қўнса, борлиқни унутганча, унга махлиё бўлиб, қано-тини силаб ўтираверар экансан. Бир кун келиб унинг қўтилмаганда кўка учиб, қораси ўчиб кетиши хаёлинг-нинг кўчасидан ҳам ўтмас экан... Эн-ди-эндилар ўйлаб, ўз-ўзимга дейман: болага унчалик ҳам қаттиқ меҳр қўймаслиги керак экан одам.

Аслида Она учун фарзандининг ҳар бири жондай азиз. Лекин, бил-майман, нимагадир тўртта ўғлимни ичиди Умаржонни бир бўлакча яхши кўрар эдим.

...Аввалбошда Туркменистоннинг Қушқа шахридан хат ёзиб турди. Уч ойдан сўнг Афғонистонга ўтказиб ке-тишган экан. У ёқданам тез-тез хат ёзиб турди. Ҳафта сайин хат олар эдик.

У кўпроқ менга хат ёзарди. Би-рон марта хизматидан нолиб ёзга-нини эслолмайман. Доим: «Яхши-ман, зўрман, мендан ҳечам хавотир олманг», деб ёзгичиди. Хизмат пайтида бир неча орден, медаллар билан мукофотланган. Командирла-ридан ҳам раҳматномалар олганмиз, фақат ўлимидан уч-тўрт ой олдин негадир: «Эна, отам Москвага «Ў-ғлимини Союзга (со-биқ СССР) ўтказиб беринглар, илти-мос», деб хат ёзса яхши бўларди-да» — деб ёзганиди. Ота-сига айтсам, «Кўя-вер, хизмати яхши бўлса, бирдан туға-тиб келсин. Кўпи ўтиб, ози қолди. Келса, институтга беимтихон киради», — дерди. (Ўша пайт-лар Афғонистонда хизмат бурчини ўтаб қайтган йигитлар олий ўқув юртлари-га имтиҳонсиз қабул

қилинар эди). Шу билан мен ҳам индамай қўйдим.

Бу борада Афғонистонда хизмат бурчини ўтаётган олтинсойлик ҳар-бий одамнинг дарагини эшитиб қол-дим. Менда хотира қолдими, ҳозир оти-шарифиям эсимдан чиқиб кет-ган. Сўраб-суриштириб адресини топдим. Таннимасамда, уям мусулмон одам-ку, деган хаёлда «Айланиб ке-тай Сиздан, қиёматли оғам бўлинг. Болагинамдан хабарлашиб тулинг...» деб хат ёздим. Хатда ўғлимнинг хиз-мат жойини ҳам ёзиб юбордим. Ёз-ганим етиб борибди. Барака топ-гур, Умаржонни излаб топибди. Уч-тўрт ой ўзи билан бирга олиб юриб-ди (У командир экан). Сўнг ўзи бу ёққа қайтадиган бўлгач, ўғлимни бир бошлиққа шопур (ҳайдовчи) қилиб тайинлаб келибди. Уйимизга ҳам келди. «Холажон, хавотир бўлманг, ўғлингиз хатарсиз жойда хизмат қи-лаяпти. Яхши йигит экан. Насиб бўл-са, тўйига қақиринг, келаман», — деб кетди.

Ишонсангиз, Умаржонни машъум ҳодисага бериш у ёқда турсин, ҳа-то уни машъум хаёллардан-да қиз-ганар эдим. Хаётига шубҳа қилиш-дан кўрқардим. Кўнглимга бирон ёмон гап келтирмасдим, билмасам... Бандасининг эмас, қодир Худонинг айтгани бўлар экан.

Аниқ эсимда, 1986 йилнинг 5 ав-

густ кечаси шундай туш кўрибман: Умаржон «Эна, мен Олим билан Одил (у билан бир кунда хизматга жўнаган синфдошлари)дан олдин имтиҳон топириб келаяпман. Им-тиҳондан «беи» баҳо олдим», — деб эшикдан кириб келаётган эмиш. «Болагинам яхши хизмат қилган бўл-са, командирлари эртароқ жавоб бе-ришса керак-да», деб ўйладим, ях-шилиқка йўйдим. Чунки бир ҳафта олдин олган хатимда «Ишларим зўр, насиб бўлса яқин орада кўришиб ҳам қолармиз», деб ёзган эди.

Эртаси кўни қўшни Тожикистон-га, Душанбе шахрига бир таниши-миникига тўйга бориш керак эди. Негадир, оёғим тортмади, юрагим хапқириб, ҳаво етишмагандай бўла-вердим. Истамасам-да, кўпчилиқнинг «ҳайда-ҳайда»си билан тўй эгасининг ҳурмати учун жўнадим. Одам ҳо-вурини одам босади, тўйхонага бо-риб, бироз кўнглим ёзилгандай бўл-ди. Кечкурун уйга келсам, яна ўша ҳолат бошланди. Нега бундай бў-лаётганига ҳеч тушунолмайман. Пи-ча чалғийман деб қишлоқ адоғидаги укамни уйига бордим. Келинимиз билан қоқ ярим кечагача у ёқдан-бу ёқдан гурунглашиб ўтирдик. Соат бирларга яқин келинимизнинг «ётиб кетинг» деганига қарамай, уйга кайт-дим. Келсам, болаларнинг отаси кийиниб, бир жойга жўнапти... «Ҳа», десам, «Раис қақиртирибди. Трак-тор бузилиб қолганлигидан бир-ик-ки кундан бери ишга чиқолганим йўқ. Шунга қойиса керак-да», — де-ди.

У киши қайтгунча мижжа қоқмай ўтирдим. Кўзимга уйқу инмади. Юрак шундай олиб ураяттики, хаёл қилсам, кўксимдан отилиб чиқиб кет-гудай. Орадан икки соат вақт ўтгач, чолим кўча эшикдан бўтадай бўз-лаб йиғлаб кириб келди. Юрагим «шув-в-в» этиб кетди... Изидан то-бутни кўтарган ҳарбийлар, дўхтир-лар кириб келишди.

Уни кундуз кўни соат иккиларда ҳарбий комиссариатга обкелишган,

раисга, маҳал-лакўмга хабар беришган-у, биронтасининг бизга

етказишга юраги бетламагани учун «кеч кириб, одамларнинг оёғи тин-гандан кейин олиб борамиз» деб сақлаб ўтиришган экан. Мен шўр-лик тўй кўраман деб, бутун қишлоқ хабардор бўлган бу машъум хабар-ни эшитмай ўтираверган эканман, шу кўни.

Бирдан тобутнинг устига ўзимни ташладим. Ҳушдан кетиб қолибман. То майитни олиб чиқиб кетгунла-рича, неча бор хушимни йўқотиб, яна ўзимга келдим.

Темир тобутни очиб кўрсатишди. Болагинам бошининг орқа қисмидан лат еган, жароҳат жойи ўйилиб туш-ган, ўрнига бир парча муз қўйиб қўйишган экан. Бошқа бирор ерига шикаст етмаган. Худди ухлагандай этибди шўрлик. Қучоқлаб юз-кўзла-ридан ўғдим, қафларини силаб ўти-риб йиғладим. Кошки ундан бир са-до чиқса эди, юмуқ кўзларини бир очиб қараса эди...

Эҳ-х, нимасини айтмай, болам, бу Шўро деган ҳукумат бизни кў-ў-ўп хўрлади. «Афғонистонда ҳалок бўл-ган жангчиларининг укаси хизматга қақирилмайди» деган қарор (ўша ва-қтда) борлигига қарамай, Умаржон-ни йили ўтар-ўтмас кенжа ўғлимиз Усмонжонни хизматга қақиритди. Туркменистонга жўнатишди. Буням худди Умаржонга ўхшаб ўша ердан Афғонистонга ўтказиб юборишди-гандай туюлаверди. Чидай олмадим, отаси билан бирга хизмат жойига бордик. «Тошкентга қайтаринглар», деб ариза ёзиб, элан-ёлбор қила-берганимиздан сўнг Қорақалпоғис-тонга ўтказишди. Шукурки, Парвар-дигор бу сафар раҳм қилди — ўғлим икки йилни соғ-омон ўтказиб қайт-ди.

Одамнинг боши тошданлиги чи-накан. Аёлнинг жони қирқалигим чинакан. Ўзим кўйиб-ёниб, танам ту-таб ҳам ишга йиғлаб бориб, йиғлаб келадиған манов эркакка насиҳат қи-ламан. «Отаси, сиз рулдаги одам-сиз, ҳушёр бўлишингиз керак. Худо кўрсатмасин, хаёлингиз кетиб, кў-зингизга ёш тўлиб турган пайтда тў-сатдан тракторнинг рўпарасидан би-рор одамми, машина-пашинами чи-қиб қолса нима бўлади? Бардам бў-линг, ўзингизни қаттиқ тутинг. Ахир, боласи шундай бўлиб кетган дунё-да бир биз эмасмиз-ку», — дейман.

...Ҳа-а-а, қизижоним-а, гапиравер-сам, гапираверсам, менинг айтиб-адо қилолмайдиган бу дардли дос-тонларим тугармиди?! Кўйиб-кўйиб қулга айландим. Бу қуруқ савлатни кўтариб юрибман-да. Ке, қўй, ҳам-маси ўтди-кетди. Гапирганидан фойда йўқ. Мустақиллигимизни, юртнинг тинч-тотувлигини сақлаб турган юрт-бошимизга минг раҳмат, илоийм умрлари узоқ бўлсин. Сафар бора-диган улар ой бориб, омон қайт-син, илоийм...

Шамсия ТУРҒУН қизи

Оламда гап кўп

САВОДСИЗ ОПИМ

Уммон подшолигилик машхур миллионер Ҳа-биб Мухаммад Ол-тойнинг хат-саводи йўқ. Лекин у ўзи қу-рган университетдан 40та илмий унвон ол-ган. Жумладан, у фан-нинг олти соҳаси бўйи-ча фахрий докторлик унвонига эга.



ХУДОДАН ҚАЙТГАН ШУМИКАН?

Қайтар дунё

Нафиса ёлғизгина ўғлини мактабга жўнатиб, кир ювишга тутинди. Ўғлига жуда меҳр қўйганиданим, у ўқишга кетгач, бағри хувилаб қолгандек туюларди. Болам мактабидан келса, очин-тўқин қолмасин деб меҳнат таътилини ҳам сентябр ойига олганди.

Ховлиларга сув сешиб, супурди-да, иссиқ нон олиб келай деб, ёнидаги нон дўконига чиқди. Қайтиб келатганида шаҳардаги катта универмагда ишлайдиган ҳамшахри Саломатхонни кўриб қолди.

— Вой Нафисахон, яхшимисиз, нечук? Ишларингиз яхшими? Ўғилчани катта қилиб юрибсизми?

— Раҳмат, Саломат опа, ўзингиз яхшимисиз, ўғил-қизларингиз, набиралар чопқиллаб юришибдими?

— Э, нимасини айтасиз, буларнинг маш-машасини асти қўверинг, Сурайёнинг уйдан келялган, қўлимдаги шунки кичкиниси.

Шу пайт Саломат опанинг қўлидаги бола сув сўраб хархаша қила бошлади.

— Юринг, Саломат опа, уйда чой тайёр эди, — деди Нафиса, уни уйига бошлар экан. У дарров ховлидаги сўрига кўрпачаларни солиб, дастурхон ёзди. Чой дамлади. Сўри тепасидаги узумлардан узиб қўйди. Кичкинтой чарчаган шекли, бувисининг қўлида ухлаб қолди.

— Сурайё ишляптими, Саломат опа, — деб сўради аста Нафиса.

— Қаёқда дейсиз, ўқишни битиргани билан бир кун ҳам ишлагани йўқ. Мана-вилари билан ўзини эпласа ҳам катта гап. Яна бўйида бор, йўқоттин десам унамаса, билганинги қилгин дедим.

— Нега ундок дейсиз, ўзидан кўпайсин, — деди Нафиса.

— Хабарингиз бордир, Сурайёни ўқитиб, не-не орау-умидларда йўқ ердаги қимматбаҳо сеплар билан узатганди. Хали болаши тугилмасидан эри ташлаб кетди. Кейин иккинчи марта яна тур-

мушга чиқди. Ундан ҳам битта болалик бўлганди, уям ташлаб ўзининг хотини билан ярашди-кетди. Хали ЗАГСдан ажралишганлари ҳам йўғиди. Қандок қилай, қуя-қуя иккинчи боласининг ҳам суягини қотириб бердим. Дадаси қизининг характери огир, келинлар билан чиқишмайди, деб алоҳида «дом» олиб берди.

Ўтган кун иккинчи марта қилишганди, илиниб бир қосада олиб бордим. Қарасам, юқори маҳалладаги йўлдош тажаниннинг ўғли Комилжон ўтирибди деган. Бечора хотини Гулнисони ура-ура яримжон қилиб қўйган, яшшамагур. Шу ўлгур Сурайёга айланишиб қолган экан. Бўлмаса хотини уй-жойи бор, бирага туришадди. Бизнинг рўпарамизга дўкон очиб олибди. Сурайёни қараб, худонинг таваллосини қилдим ҳамки, қани энди кўнса? Ундан кечолмасмиш, кейин билсам, ҳомиласи бор экан. Ҳар қанча бўлса ҳам, ичимдан чиққан фарзандим-да, жоним ачийди. Бугун мана шу боласини уйга олиб кетялман. Энди бир ёшдан ошди. Каттаси-ку, богча боради.

Шу пайт Умиджон мактабдан келди-да, салом бериб, ичкарига кириб кетди. Саломат опа кетишга фотиҳа ўқиб, уйғонган набирасини кўтариб олди. Нафиса уни кузатиб қайтди-да, ўғлига овқат сузиб дастурхонга қўйди. Кейин иккиси уёқ-бўёқдан гаплашиб, қулишиб ўтиришди. Умиджон дарсини қилишга чоғланди. Нафиса тикиш тика бошлади. Кўзи нимада бўлса ҳам, ҳаёли уни бир неча йиллар орқага қайтарганди.

Нафисанинг биринчи эри автомобил фалокатига учраб ҳалок бўлгандан кейин, иккинчи марта турмушга қичқанди. Худо ургани пайғамбар туртган, деган гап бор. Нафисанинг 8 ойлик боласини операция қилиб олиб ташлашгандан сўнг анча вақтча бўйида бўлмади. Ўзининг эса врачлар аранг ҳаётини сақлаб қолишганди. Энди фарзанд кўрмаслигининг мумкин дейишди улар. Эри аввалига индамади,

кейинчалик эса ичадиган, урадиган одатлар қарди.

Шундай қуларнинг бирида қайинэгачиси тўй қиладиган, қизини узатадиган бўлиб қолди. Нафиса одатдагидек елиб-югуриб хизматда бўлди. Ушанда мана шу Саломат опа Тошкентда ўқийдиган қизини ялтир-юлтур кийимлар билан кийинтириб, тўйхонага виқор билан кириб келганди. Улар ўтирган столга чой дамлаб келтирган Нафисага қараб:

— Ҳа, Нафиса бону, жуда бўларингиз бўп қопти-ю, намунча озиб кетибсиз, башарангизга қараб бўлмайди-я, деганди. Энидаги аёллардан бири унга ачиниб «нимага ундок дейсиз, ранги-рўйи бинойидекина», — деди.

Бир алфозга тушиб, кўнгли бузилиб кетган Нафиса бўш чойнақларни олиб ортга қайтар экан, яна шу Саломат опанинг: Эри бизнинг маҳалладан биттаси билан юраётганимиз, тўғри-да, туғиб бермагандан кейин, уни бошига урадимиз. Агар ҳеч бўлмаса бир бўласи бўлганида, эри ташламаган бўларди, деган заҳардеккина сўзларини эшитди. Юм-Юм йиллаганича ичкарига кириб кетган Нафиса базм тугагунча ховлига қайтиб чиқмади.

Тўй давом этар, даврада ҳамма шод, каттаю-кичик рақсга тушар, Албатта тан-тиқ Сурайё ял-ял ёниб ўртадан чиқмай ўйнарди.

... Мана шу Сурайё бугун иккита эридан иккита боласи билан ажрашиб, ҳозир учинчи бир қимсаннинг никоҳсиз хотини бўлиб ўтирибди. Нафиса ана шуларни ўйларкан, ўша пайтларда қанчалик изтироблар тортганини, кечаю-кундуз йиғлаб, худого нола қилиб фарзанд тилаганини эслади. Бир кун бўйида бўлиб қолганини эрига айтганида, эри унинг қўлларини ўлиб йиғлади.

Ҳаммаси, жойига тушиб кетди-ю, лекин, тўйда Нафисага Саломат опанинг айтган гаплари хали эсига тушса, вужудини титратиб юборади.

Мен-ку, бир болам билан ҳам худого шуқур, тинчгина яшаб ўтирибман, эрим ҳам хатосини тушунди. Лекин Саломат опа ўшанда мени ерга уриб яхши иш қилмаганди-да. Худого солувдим. Худодан қайтгани шудир, балким. Қайтариб олдим, ишқилиб. Яратган ҳар бир инсонини бахтдан бенасиб қилмасин...

Басира САЙИД АЛИ

Оламда гап кўп

ТОШДАН ТОШНИНГ ФАРҚИ БОР

Индиана штатидаги Индианаполис шаҳрида яшовчи жанобнинг буйрагини операция қилиб тош олишганда, у ушбу тошларни ташлаб юборишни истамади. Улардан тақинчоқ ясатди ва хотинига совға қилди. Тақинчоқнинг нимадан ясалганидан хабар толган хотин жаҳл устида ажралиш учун судга ариза берди. «Агар тақинчоқ ёқут ёки марварид кўзли бўлганда хотиним судга борарми? Менимча, йўқ», — дейди бечора эр.

БЕНОМУСЛАР

Республика Ички ишлар вазирлиги Жиноятчиликни олдини олиш бошқармаси таркибда фаолият кўрсатаётган «Ахлоқ милицияси» ходимлари жамият ривожига болта урувчи, миллимиз урф-одатлари ва қадриятларини топтовчи иллат ва фоҳишабозликка қарши кураш борасида ҳам бир талай ишларни амалга оширмоқда. Яқинда Тошкент шаҳар ИИБ Жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси «Ахлоқ милицияси» ходимлари билан ҳамкорликда махсус тадбир ўтказди. Бу тадбир натижалари ҳақида бизга Республика ИИБ Жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси «Ахлоқ милицияси» бўлимининг катта нозирини, милиция капитани Рустам АБДУРАХМОНОВ қўйидагиларни сўзлаб берди.

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад аввало фоҳиша, енгилтабиат аёлларни аниқлаб, уларга нисбатан тегишли чора кўриш, қолаверса, уларнинг бу бетайин қилмишлари ортдан жамиятимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятига етказилаётган жиддий зарарнинг олдини олиш эди. Тадбир маҳалида қўллаб енгилтабиат аёллар, бечорлар, тутуруқсиз эркаклар айна нозик «иш» устида шармандаларча қўлга олинди. Бунданда аянчлироғи, айрим кишиларнинг ўз уйини наҳс ботқоқига ботириб, бировларнинг айшу ишрати учун ижарага бериб қўйганликларида. Қайсидир мамлакатда ёки миллатда аёл танасини сотиш ёки ўртада туриб пуллаш каби қабиҳлик билан бола-чақасини боқаётганлар бордир. Лекин бизда бунга ҳазм қилиб бўлмайди.

Тадбир пайтида шубҳа остига олинган мингдан зиёд жойлар назоратдан ўтказилди. Шундан 824 хонадонда ҳавойи кайфу сафо илинжидаги «ошиқу маъшуқалар»нинг ахлоқий тубан ишлари фош

этилди. Тери- таносил касалликлари диспансерига юборилгандан улардан 103 кишида заҳм ва шунга ўхшаш касалликлар борлиги аниқланди.

Турли вилоятлардан ва бошқа республикалардан келиб танасини сотиш эвазига кун кўрмоқчи бўлган танозоллардан 55 киши ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Тошкент шаҳар ИИББ қабул тақсимот бўлимига юборилди. Оиласини, муқаддас гўшасини доимо табарруқ билиб, унга ҳаром-ҳароми аралаштиришдан ҳазар қилган ота-боболаримиз насл тозаллигига қаттиқ эътибор қилишган. Шу боис ҳам ахлоқий меъёрлар бузилмаган.

Соҳибқирон Амир Темур: «Зинодан тугилган фарзанд ўзига яхшилиқ қилган одамга ёмонлик қилмагунча дунёдан кетмайди», деган. Албатта, бугунги кунда бениқоҳ дунёга келатган фарзандлар ҳам йўқ эмас. Улар қисмати ачинасану, бу беғуноҳ гўдакларни «досрочно» тугаётган аёллар шаънига ҳақоратли сўзлар айтасан. Бироқ, бу билан муаммо ечилиб қолармикин. Вояжаб, отаси номоълам фарзанддан келажакда яхшилиқ кутиб бўлармикин?

Бир оиланинг гўзал бекаси бўлишга арзийдиган қизлар бойликка, пулга ўч бўлган ҳавойи хирс оқибатида ифлос тўшақда ётганини кўриб, ғазабланди. Ҳатто уларнинг айримлари ҳали келинлик либосини киймаган, гўшанга нимагини билмаган гўлгунчалар эди. Таассуфки, андишасизлиги, беҳаёлиги улардан инсонийлик қиёфасини сидириб ташлаганди. 30-35 ёшлардаги енгилтабиат аёллар билан гаплашганимизда эса, «Қанийди, мен ҳам бир уйнинг бекаси бўлсам» дея ҳасрат қилишади, барча қилмишларидан минг пушаймон эканликларини айтиб, қаттиқ ўқинишади.

Ўзининг ифлос қилмишлари билан миллатимиз, покиза қиз-аёлларимиз шаънига доғ тушираётган беномуслар инсон деган улуг номга муносибми-кан, аслида?

Шухрат РЎЗИЕВ ёзиб олди

Ё, алҳазар!

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Яқинда Омскда бўлиб ўтган бу воқеа бутун шаҳарни ларзага келтирди. Бородин кўчасидаги уйнинг чердагидан 4 яшар қизчанинг қонга беланган жасади чиқди. Қотилларни топиш ҳам қийин бўлмади. Улар худди шу уйда яшовчи каттаси 12 яшар, кичкиналари эса 9 яшардан бўлган тўрт нафар болалар экан.

Аслида болалар чордоққа қаптар ушлаш мақсадида чиқишган. Бу машғулот тезда жонларига теккан, кўнгил очилининг бошқа йўларини излашган. Шу мақсадда жажжи Алёнкани томга олиб чиқишган.

— Биз уни зўрламоқчи эдик, — деб тўғридан-тўғри тан олишди улар. Бироқ Алёна қаршилик қилавергач болалар уни жазолашга қарор қилганлар. Шу тариқа Алёна тошбўрон остида қолган ва қон кетишидан нобуд бўлган.

Қотиллар мактаб ўқувчилари эдилар. Жумладан, Дима Г. уч йилдан бери биринчи синфда ўтиради, зўр-базўр хижжалаб ўқийди, бармоғи билан атиги ўн-гача санай олади. Педагоглар ва руҳшунослар уни махсус мактаб-интернатга йўллашганда ота-онаси қатъиян қарши бўлишган. Ота-сининг оталик ҳам ҳоли йўқ. Иш-ламайди, ичкиликка муқкасидан кетган. Онаси эрини ва тўрт боласини боқиш учун завод ошхонасида ишлайди. У ҳам ичкиликдан қайтмайдиганлардан.

Бешинчи синф ўқувчиси Дима Б. нинг ҳам, педагогларнинг таъкидлаш-шича, феъли ёмон, баджаҳл ва кўрс. Кўпинча синфдошларига зуғум ўтказида. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Ўғай отаси хотини ва болаларини дўппослаб тургандан кейин, қуш уясида кўрганини қилади-да.

Бечора Алёна эса умуман ҳеч қимга кераксиз эди. Онаси Алёнанинг

кўз ўнгиде саккиз яшар акасини ўлдириб қўйган ва ҳозир қамоқда жазо ўтамоқда. Тирик етимча Алёна бувиси билан қолган. Шу уйда яшовчиларининг барчасига теккан касал — ичкиликбозлик бувини ҳам ўз домга тортган.

Умуман, бу уй милиция ходимларига яхши таниш. Муттасил ичкиликбозлик туфайли ушбу даргоҳда истиқомат қилувчилар милицияга тез-тез тушиб турадилар. Айрим оилаларнинг илгари тупна-тузук уй-жойлари бўлган. Аммо ҳаммаси бор-будини сотиб ичишган ва эндиликда мана шу каталакдек жойга текилиб ўтиришибди. Бир оининг ўзида бу ердаги беш оила бошлиғи ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Навбатда яна саккиз нафари турибди. Шундай шароитда тарбияланаётган болалардан яна нима-ни кутиш мумкин.

... Жажжигина Алёнани кўмиш маросими бу уйда ўзига хос ўтказилди. Яъни барча йигилиб ўртага ичкилик уюб қўйилди. Сўнгра мотам маросими одатдагидек мушталашув ва жанжал-тўполон билан тугади...

ДИЛАФРУЗ тайёрлади



Вахшиворнинг осмон билан кучоқлашиб ётган қирларининг асл кўркини тунда томоша қилиш керак. Факат оқшом чоғлари Сайрақадир, Чўпончудди чўққилари юракка ваҳм солгучи гўзал ҳайбати билан кўз олдингизда намоён бўлади. Сентябр ойининг адоғида-да чўққилар илгичида оппоқ қор турган Вахшивортоғ этакларида чўпончўққиларнинг ёқут чўғли ўчоқлари қошида тилсим тоғларнинг асрларни қаритган чўпчакларини тинглаш мумкин чўпонлардан. Бу чўпонлар чўпон эмас, ҳар бири бахши, ҳар юргани авлиё.

Мен уч кун яшаган оқ ўтовнинг эгаси — Олтинсой туманидаги «Кўшчнор» жамоа хўжалигининг бош чўпони Хўшбоқ Номозов ҳам ана шундай фариштали қариялардан экан. Дўмбирани эса Шоберди бахшидан кам сайратмайди. Энг муҳим таъриф: ота касбини танлаган.

Хўшбоқ Номозов «Кўшчнор» жамоа хўжалигида 1989 йилдан бери бош чўпонлик қилиб келади. Бунгача тумандаги «Денов» давлат хўжалигида бош чўпон эди. Ушанда умрида биринчи марта ота касбини ташламоқчи бўлди. Бўлмаса, оилаб кийим-боши гўн-га ботиб қийналган, кўзилаштиш мавсумлари-ю жазирама иссиқлар, селлар, бўронлар қалбидан дашт меҳрини суғура олмаган Хўшбоқ чўпондай одам-а. Чўпоннинг ўзи бундай ҳикоя қилади:

— Ушанда хўжаликда марҳум Барот Рўзиев деган йигит зоотехник эди. Ҳар йили кўзи олиш режаларини ошириб бажариб келаман, камомад, чиқим йўқ; ҳамма иззат қилади. Уша зоотехник бир куни отар бошига келди. «Хўшбоқ ака, режаларини ошириб бажарганингизга муқофотламоқчимиз. Хўжаликка битта обрўли «Мусобақа голиби» деган ҳужжат келган, шунга сизнинг шарифингизни битдик. Хўшжобол суратга тушиб берсангиз, тайёрлаб бераман», деб қолди. Ўзи муқофот деган нарсасга қизиқмас эдим. Хатто саксон тўртинчи йили «06» маркали «Жигули» автомашинасини муқофотга беришганида ҳам унчалик хурсанд бўлмаган эдим. Ўғлим минди. Сўнг ҳам бирор йил қолдирмай, зиммамга юклатилган режани ўринлатиб келдим. Катта-кичик рағбатлантиришлар кўп бўлди, аммо шу галгисира дилим кетди. Севинчи район марказига бориб суратга тушиб келдим.

Тақдирини қарангки, шу орада зоотехникимиз тўсатдан касал бўлиб, даволаниш учун Тошкентга кетди. Бечора шу-шу Тошкентдан, касалхонадан қайтмади — ҳаётдан кўз юмди. Шу билан ўша ҳужжатни ҳеч кимдан сўрамадим. Бир куни ветеринар врачимиз Нурали Пардаев га очиб қолди: «Хўшжанинг менда, олмасиз», деди. «Кейин бераман», деб судраб юриб-

юриб бермай кетди. Нимагадир (балки алдаганими) алам қилди. Ун икки ой кўйнинг кетидан судралиб юрсанг-да, бир парча қоғозни кўзи қиймаса, деб кўнглим тўлиб юрган эканми, шарт отарни топшириб юбордим. Мактабда ўқимаган бўлсам ҳам, чўпонликдан ўзга хўнарим бўлмаса ҳам, оч қолмасан дедим...

Аммо Хўшбоқ акадай касбининг пирин бўлган чўпон хаворда қолмади. «Денов» совхози шундай чўпонни қўлдан чиқарганини қулоғи илиб қолган кўшни «Кўшчнор» хўжалигининг директори Беғали Мамараҳимов Хайрондара қишлоғига, чўпоннинг уйига етиб келди. Бош чўпонликка таклиф қилди. «Йўқ, полвон, энди чўпонлик биздан ўтганга ўхшайди, боққа чиқиб ишласамми, деб тўрибман», деб жавоб қилди Хўшбоқ ака. Аммо директор ҳам бекорга директор бўлиб юргани йўқда, у қилди, бу қилди, Хўшбоқ акани совхозига чўпон қилиб олиб кетди.

Ўғиллари Маҳмуд, Абдулхамид, Уроллар ҳам яйловнинг хавосига ўрганиб қолган эканми, қишлоқ уларга торлик қилиб қолгандай қовоқ-тумшук-

бига кўнгли қўйдим. Ҳақ деб талашмадим, ризқ-насибани худодан деб билдим. Бўлмаса, бандасининг бергани бир нимарса бўладими? Баъзилар тўй-маъракаларда касбимни сўрашиб, чўпон эканлигимни билишган, гўё менсиммагандай муомала қилганини сезиб қоламан. Майлида, ранжимайман. Касб-корни худонинг ўзи манглайга ёзади. Кимнинг ризқи нимадан. Болаларининг ҳам кўнглимдан чиққанлиги тагин кўксимни тоғ этади. Тўғри, чўпонлар тоғ-тошларда, қирларда кунда ёлғиз юришади, жамоатдан йироқда бўлишади. Аммо ёш бир жойга бориб қолгандан сўнг англашмича, айнан шу ёлғизлик одамни одам қилар экан.

Хўшбоқ аканинг гурунгига қулоқ тутиб ўлтирар эканман, чўпонлик ҳақидаги эскича тасаввурларимиз устидан қулгим келди. Дарвоқе, мактабда яхши баҳо олмасак, муаллимимиз кесатди: «Майли, дарсни тайёрламай келавер-чи, чўпон бўларсан». Шу тариқа қадимий касб чўпонлик зимдан қораланиб, авлоднинг кўнгли меҳнатдан совитиларди. Чўпонликни дунёе маишатларидан мосуволик деб тушуниб, хато қилганимизни эндилар бир қадар англагандай бўламан. Чўпонлар ҳаётнинг маъносини-ю лаззатини бўлак нарсаларда тушунишади ва бу борада қадимги сўфий боболаримизнинг феъл-и ёдга солади.

Узоқ-узоқлардан эчкиларнинг маъраши элас-элас қулоққа чалинади. «Отар қайтаяпти, шекилли», деб қўяман.

— Ҳа, бизнинг эчкилар, — дейди Хўшбоқ ака. — Бугун эрталаб Урол отарни Навбулоққа ҳайдаб кетганди. Уч ўғлим менинг касбимни, боболарининг касбини давом эттиришяпти. Тўққиз фарзандимнинг ҳаммаси мол бақишга ўқувли,

худога шукур.

Хўшбоқ ака ўтовнинг иргасидаги таёқни олиб отарга пешвоз кетади. Аёли Зайналхоқ опа билан келини Лола ташқаридаги охурларга ет сола бошлайди. Қўлга ушланавериб ялтираб кетган иргай таёққа қараб ўй сүриб қолдим. Муқаддас таёқ. Муқаддаслигининг боиси шундаки, бу таёқни Номоз бобо ҳам бир умр ардоқлаб ўтган. Энди таёқ невараларга, чевараларга ўтапти. Ҳаёт давом этади. Оталар изидан болалар тиркичилик тизгинини қўлга олишади, болалар изидан тагин болалар. Бу қадим дунёе дунининг машаққатларини инсонлар ана шундай енгиб яшайдилар. Хўшбоқ ака юқорилаб бораётган қирларда отасининг минглаб, балки-да миллионлаб излари қолган. Бу сўрув, бу таёқ, бу касб, бу тиркичилик ҳам унга бепоён яйловлар каби отасидан қолган...

Абдуғаффор ОДИНАЕВ



«НУЖ»ПАР ТАШРИФИ

Шарқий Чехияда коинотшунослар НУЖни видеотасвирга туширишга муваффақ бўлишди. Поляк ва австриялик мутахассислар ҳам видеотасвирга олинган номаълум объектни кўришиб, чех ҳамкасбларини қўллаб-қувватлашмоқда.

Маълум бўлишича, Чехиянинг бу худудида НУЖларнинг илк ташрифи XIX асрнинг охирида юз берган экан. Қизиги шундаки, ўша пайтдан эътиборан Шарқий Чехияда бир неча бор НУЖларнинг келиб-кейтиши кузатилган. Шу боисдан чех мутахассислари янаги йил бу худудга бир қанча экспедицияларни уюштиришни режалаштириб турибди.

ҚУЁШ АВТОМОБИЛИ

Тиниб-тинчимас немислар қуёш энергияси билан юрадиган «Солар Шаттл Мекмобил» русумли янги машина ихтиро қилдилар. Экологик жиҳатдан ўнгай бу автомобиль соатига 50 км.гача йўл босиши мумкин. Йилнинг охиригача бунақанги автомобильдан 30-50таси чиқариладиган бўлса, янаги йилга бориб бу кўрсаткич 500га етади, дейишмоқда ихтирочилар. 20—30 минг немис маркасига баҳоланаётган антиқа бу машинага қуёшли ўлкалардан бир талай харидорлар ҳам чиқиб турибди.

ШИФОБАХШ СУВ

Хитойнинг Гуйчжоу провинциясида «Жаннат боғи» дея аталадиган жаройиб маскан бор. Табибларнинг эътирофи этишларича, бу «Боғи эрам»даги сув жудаям шифобахш эмиш. Хатто рақ касалига чалинган бир неча кимса ана шу сувдан шифо толган. Ушбу худудда яшовчи лаочанликларнинг ўртача умр кўриши 80 ёшдан ошганлиги ҳам бу ошиённинг жаннат-мақолигидан дарак бериб турибди.

АСТРОПОГГА ҲУКУМАТ БУЮРТМАСИ

Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Маргарет Тэтчер астрологларнинг башоратига муҳтож бўлган экан. Британиялик башоратчи Майори Орраннинг таъкидлашича, у 1984 йили матбуот котиби Бернард Ингхэм томонидан хонимнинг «Агар юлдузлар тақдирим ҳақида нохушлиқдан дарак берса, дарҳол билдирилсин» мазмундаги ҳукумат буюртмасини олган.

АЁЛ УЎРИЛАРИ

Бангладеш аёл-адвокатлар Ассоциациясининг маълум қилишича, кейинги 10 йил ичида маҳаллий контрабандачилар томонидан 200 мингга яқин қиз ва аёлларни мамлакатдан ўғирлаб кетишган. Баъзи маълумотларга қараганда, яқинда қараки бозорларидан бирида бангладешлик қизни 5 минг АҚШ долларига пуллашган.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Отасидан



лари осилиб юришганди. Отасининг яна чўпонликка қайтганини эшитиб, қафасдан олис кенгликларга отилган лочинлардай Чўпончудди яйловларига учдилар. Серўт яйловларга ҳайдалган Хўшбоқ аканинг эчкилари баҳорда дуркун ва соғлом улоқлар берди...

Тафти кетиб қолган сентябр қуёши Керагадоғ тизмалари ортига ўтиб кетади. Хўшбоқ ака гурунғ беради.

— Манови қирни Чўпончудди дейишади. Бурун бир содда чўпон қалқининг изидан тушиб орти билан чекина-чекина одамнинг боши айланадиган зовдан учиб кетган. Отам раҳматли ҳар гал шу ердан ўтганда воқеани айтиб бергич эди. «Чўпонлик барибир дехқончиликдан оғир бўлса керак-а», гап қўшаман мен.

— Э, ука, дехқон ёққанда тинади, чўпон ўлганда, шундай оғир касбини аввало бўйинингга олма, олар бўлсанг жамоанинг молини меники деб бок, чўпонликнинг нонини ҳалоллаб е, дердилар отам. Ота касбини қилмаган ўғилнинг рўзғори ёлчимаиди, деганларидай, ёшлигимдан отамнинг кас-

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Шу мактаб ёнида яшаётган Саидқосим ота (Аллоҳ жойларини жаннатдан қилган бўлсин) ўз умри давомида кўп савоб ишлар қилган инсон эди. Урушдан кейинги даврда янги бино қурилиб ишга тулгандан кейин, қурувчилар ҳаммаёқни ахлатхонага айлантириб жўнаб кетишди.

Бундан кўнгли ранжиган Саидқосим ота эса ўша пайтдаги мактаб директори Карим Расулбега шу ерни тозалаб, гул-қўнат экиш ҳақида маслаҳатлашди. Бу гап Карим акага ҳам маъқул бўлади. У отадан бу ишга бошқоқ бўлишларини сўраган, ота анча ўйланди.

— Фарзандларим нима деркин, — деган истихлолага борди. Ниҳоят бир қарорга келиб, директор таклифига рози бўлди.

Савоб ишга қўл урган Саидқосим отанинг ҳаракатлари боис мактаб ёнида мўъжазгина боғ пайдо бўлди. Ҳозир ўша, бир пайтлар

Хотира



Шаҳримиздаги Соғбон кўчасида Л. Б. Шастри номли 24-ўрта мактаб бор. Урушнинг қийин давларида ҳам «Кўштут», «Сурят» маҳаллаларининг аҳолиси бу илм даргоҳидан қўлларидан келган ёрдамларини аямидилар. Маҳалла аҳли йўқчилиқни бошларидан кечириб яшасалар-да, қишнинг қировли кунларида ўз уйлариининг соғувлигига қарамай ўтин-қўмирларини мактабга олиб чиқиб, синф хоналарини баҳолу-қудрат иситиб қўядилар.

ташландиқ бўлиб ётган майдонда мингдан зиёд атиргул ва 100 дан ортиқ дарахт қўчалари яшнаб ўсмоқда.

Яқинда Л. Б. Шастри номли мактабнинг 80 йиллиги нишонланди. Юбилейга собиқ ўқувчилар, нафақадарги ўқитувчилар йиғилдилар. Саидқосим отанинг фарзандлари падари бузурқворларининг васиятларини амалга ошириб, ўша кунни йилгилан меҳмонларга ош тарқатдилар.

Бир инсон дунёга келди, кетди. Лекин гап бунда эмас, у ўзидан қандай ном қолдирди — ҳамма гап шунда. Ўзи меҳнат қилган жойда, маҳаллада, оиласида яшаш ном қолдирган инсоннинг жаннати бўлиши шубҳасиз.

Хамидулла Йўлдошев, Л. Б. Шастри номли мактабнинг собиқ ўқитувчиси

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмиси

АБОНЕМЕНТ рўзнома ойнома **64654**

«Оила ва жамият» (нашр номи) Обуна сони

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи)

Кимга (исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. р. жойи **64654** (нашр кўрсаткичи)

«Оила ва жамият» (нашр номи)

Обуна янги манзилга юбориш	Баҳоси	Сўм	Обуна сони
	Баҳоси	Сўм	

1997 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга (исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



СОЛИЖОН ака!

45 ёшингиз муборак бўлсин. Оллоҳдан сизга тан сихатлик, хотиржамлик, узоқ умр тилайман. Бахт-саодат ҳамиша йўлдош бўлсин.

Муяссар.

Меҳрибон АДАЖОНИМИЗ!

Бизнинг бахтимизга ҳамиша соғ бўлинг. Ой-жоним билан қўша қариб, фарзандларингизнинг роҳат-фарогатини кўринг.

Улугбек, Дурдона, Дилдора

Азиз жиянчаларим БАХТИЁР, ДОНИЁР, ДИЁР!

Таваллуд кунингиз кутлуг бўлсин. Оллоҳ умрингизни узоқ, ризқингизни бутун қилсин. ҳаёт йўлингиз ҳамиша порлок, эл севган комил инсон бўлиб етишинглар.

Гулнор, Дилдора.

Хурматли онажонимиз

Дилором ЙЎЛДОШЕВА!

Сизни таваллуд айёмингизнинг 40 йиллиги муносабати билан чин қалбдан табриклаймиз. Барча орзу-ниятларингизга ети-нг.

Фарзандларингиз

Севимли фарзандимиз КАРОМАТХОН!

50 ёшингиз кутлуг бўлсин. Оллоҳ умрингизни зиёда қилиб, фарзандларингизнинг роҳатини кўринг.

Хурмат билан ота-онанингиз

Хурматли Сафар ака ТОШЕВ!

Таваллуд айёмингиз ва муборак бўлсин. Барча эзгуликлар оилангизга бахтнинг ифориини таратсин. Доим эл ардоғида бўлинг.

Оилангиз, дўстларингиз ва Когон шаҳар зиёлилари

Азиз отамиз ЭГАМКҮЛ

ва онажонимиз МАЛЛА!

Биз сизларни туғилган кунларингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизларга узоқ умр, сихат-саломатлик, 100 га кириб, невараларингиз орзу-ҳавасини қўриб юришларингизни тилаймиз.

Фарзандларингиз

номидан Алишер.

Шахристон тумани,

Қарабчи қишлоғи



Мутахассис маслаҳати

Эҳтиёт бўлинг, «ботулизм»

Овқатдан заҳарланишнинг энг оғир турларидан бири ботулизмдир. Бу касаллик ботулин таёқчаси заҳари бор бўлган овқат истеъмол қилиш натижа-сида келиб чиқади.

Ботулин таёқчаси қобиққа ўралган (спорали) бўлади. Шунинг учун у узоқ яшайди. Бу микроб ўздан жуда кучли заҳар (ботулоксин) ишлаб чиқаради. Ботулизм споралари озиқ-овқат мах-сулотлари қайнатилганда ҳам ўлмайди.

Таёқидлаш жозиқ ботулизм мик-роблари озиқ-овқат махсулотларида киллорид бўлмаган қулай шароитда, 10—12 соат давомида заҳар ажратади. Суюқ махсулотларда микроб баробар тарқалади, қаттиқ овқатлар масалан, балиқ, қолбасада эса микроб уларни-ни айрим бўлағида сақланади. Айниқ-са дудланган балиқ, қийма, мева кон-серваларида бундай микроблар жуда кўп учрайди. Ботулизм споралари бо-диринг, помидор, патиссон, баклажон каби сабзавотларга тупроқдан юқади. Мевалардан консерва тайёрлаш жараё-нида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаса, ботулизм касаллиги-ни келиб чиқишига шароит яратилади.

Ботулизм заҳри жуда кучли бўлиб, унинг оз микдори ҳам касаллик пайдо қилиши ҳатто инсон ҳаётига хавф со-лиш мумкин.

Одам организмига тушган заҳар меъда-ичақда сўрилиб, қонга, кон ор-қали бошқа аъзоларга ўтади. Касал-лиқнинг яширин даври 2 соатдан 7 кун-гача давом этади. Сўнгги ботулизмга

хос белгилар пайдо бўла бошлайди: бе-морнинг кўнгли айниди, қайт қилади, меъдада қабзият пайдо бўлади. Бемор-нинг оғзи қуриydi, қувватдан кетиб ҳол-сизланади, шунга қарамай ҳарорати кў-тарилмайди. Халқуми юмшаб танглайи фалажланади, ютиши қийинлашиб, ово-зи бўғила бошлайди.

Касаллик оғир кечганда нафас олиш қийинлашади. Бундай пайтда тез тиб-бий ёрдам кўрсатиш лозим. Тез ёрдам машинасини чақириб, врач келгунга қа-дар беморнинг меъдасини илиқ сув, 2 фоизли ичимлик сода ёки 0,1 фоизли марганцовка эритмаси билан ювиш ке-рак.

Маълумки, касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал. Бунинг учун аввало озиқ-овқат махсулотлари-ни қайта ишлашда, сақлашда ва улар-дан озиқ-овқат тайёрлашда озодаликка қатъий риоя қилиш зарур.

Шунинг учун ҳам консерва махсулот-ларини истеъмол қилишдан аввал уни синчиклаб қўриш, қопқоғи кўтарилган ёки рангида сал ўзгариш бўлса, асло истеъмол қилмаслик керак. Ҳатто улар-нинг таъминини кўриш ҳам хатарлидир. Бундан ташқари бозорларда фуқаролар томонидан билиб-билмай тайёрланган қолбаса, дудланган балиқ каби махсу-лотларини харид қилиш ҳам тавсия этилмайди.

Саидмурод САЙДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар Бош давлат
санитария врачлари ўринбосари

Мутахассисларнинг фикрича «Оила ва жамият» газе-та

си Сизга маънавий озиқ берувчи, руҳингизни тетиклаш-тирувчи, фарзандларингиз тарбиясига катта ижобий таъсир этувчи газетадир. Ана шулардан келиб чиқиб «ОИ-ЛА ВА ЖАМИЯТ»га обуна бўлсангиз асло ютқазмайсиз.

Газета индекси:

Якка обуначилар учун: 64654

Корхоналар учун: 64653

ТУШЛААР ТАЪБИРИ

Одамларни, бадан аъзоларини туш кўриш

Кимнингки тушида бир қулоғи узи-либ тушган бўлса, унинг қизи олам-дан ўтади ёки хотинини талоқ қўяди. Кимки қулоғини тозалаётган бўлса, бирор хушхабар эшитади. Агар туши-да қар бўлиб қолса, бундай киши дин ва тақвода таназзулга кетади. Кимки тушида қулоғига чумоли кириб кет-ганини кўрса, бу ажалининг яқинлиги-дир. Агар одам қулоғи ваҳший ҳайвон-ларнинг қулоғига ўхшаб қолган бўл-са, туш кўрувчи ўнгида ўша жонивор-ларга хос бўлган ажойиб-ғаройиб ҳан-гомаларни эшитади.

Узун соқол — шон-шухрат ва хур-матни, қалта соқол — кадр-қимматни-нг пасайишини билдиради. Тушда со-қол юлиш исрофгарчилик, пушаймон демакдир.

Агар аёл киши юзида соқол кўрса, кетган эри қайтиб келади ёки унинг тарк этади. Мабоодо ҳалиги аёл бева бўлса, турмушга чиқади, ҳомиладор бўлса — ўғил туғади. Норасида гўда-қнинг тушида соқол пайдо бўлиши — унинг балоғат ёшига етмай бу дунё-дан кўз юмишига далолатдир.

Тушда соқол бўяшининг таъбири ик-ки хил: агар ҳино рангида ёки қирми-зи бўлса, туш кўрувчи шохона либос-лар кияди. Аксинча, бўёқ бўзранг, қул-ранг бўлса, одамнинг боши йўқчилик-дан чиқмайди. Бундай киши эски кийим топиб кийишга ҳам қийналади.

Агар тушингизда соқолингиз оқариб кетган бўлса, бу фазлу камолот ва раҳмат белгисидир. Серсоқоллик — савдогар учун сармоянинг бисёр бў-лиши, қашшоқ учун — қарзнинг кў-пайиб кетишидир.

Кимки тушида билагини шимарган беғона аёлни кўрса, уни саодатли ҳаёт

кутади. Агар қўлларинг сўниб қолган ва мажолсиз бўлса — яқинларинг сен-дан воз кечади. Агарда тушингизда қўл-ларинг иккитадан ортиқ бўлиб кирса ва бунинг устига сен художўй, имон-ли киши бўлсанг — одамлардан хайру саховат кўрсан. Мабоодо бундай ким-санинг диёнати бўлмаса, фасод иш-лар ила шуғулланишга ишорадир. Яна донолар айтадики, қўлига хино қўйган кимса қотилликда айбланади. Иккала қўлини бўяб олган кимса ўнгида дунё ташвишлари билан бўлиб, оромини йўқотади.

Кимнингки болдирлари ва тўпиқла-ри кучли бўлиб тушига кирса, бундай киши маъмур, тўқ турмуш кечи-ра бошлайди.

Тушда қонли қўлмакка йиқилиш ро-ҳат-фароғат белгисидир. Агарда кийи-мингизда қон кўрсанг ва бу қон қайдан юққанини билмасанг, сен айбсиз бў-латуриб, маломатга қоласан. Тушида одам қонини ичган киши ношаръий (ҳаром) йўл билан дунё топади.

Агар тушингизда таҳорат олаётган бўлсангиз, барча гуноҳлардан форм бўласиз.

Тушдаги қусуқ — тавба-тазаррудир. Кимки бировнинг бетига тупурган бўл-са, тупуқ теккан киши бир фалокатга йўлқайди. Агарда тушингизда оғзин-гиздан сўлақ оқиб чиқаётган бўлса, қутилмаган бойликка етишасиз ва уни ҳадемай қўлдан берасиз.

Бурундан қон кетиш ҳаром молга далолатдир. Бундай тушни подшоҳлар кўрса, ўзини ёмон ишлардан тияди. Агарда аъзои баданингиз ҳўб терла-ган бўлса, муродо мақсадингизга ета-сиз.

С. СИЁЕВ тайёрлади

БИР КУН ТУТА(Т)МАСАК...

(Ҳажвиянамо жиддий гап)

Ҳар куни ишга йўл оларканман, бекатдаги ҳашамдор «бойдўкон» (шундай номга муносибда)га бир-ров кириб ўтишга тўғри келади. Нега дейсизми. Эҳ, ахир ҳофизнинг «васлинг хумориман» деган ашуласини эшитмаганимиз? Хумори тута бошлайдиган вақт-ку. Кечаги кутти бўшаган, энди бугунга...

Ўх-ў, бой деганимча борда, бу сигарет деганининг юз хил тури бор-ов. «Паллмал»-у «Кэмэл»дан ўзимизнинг «Шарқона лаззат» (аҳмоқона-а) «Саратон»гача. Бўёғи — маъкул келгани, чўнтакка қараб дегандай. Хуллас, маълум — нари борса «Паллмал», бўлмаса ўзимизнинг «Родопи». Демак, ками билан йигирма — йигирма беш сўмнинг қулогини ушлатишга тўғри келади. Ҳар куни шу. Ўрта ҳисобда ойига 700 сўмдан ошади. Ие! Ўйлаб-ўйлаб бу масала янада чуқурроқ бош қотириб кўрса «бўларкан»лиги... лозим топилди.

Хўп, бошладик.

Ўзимга келсак, ойига етти юз сўм. Агар шу «бошогрик»ни ташласам, шунча сўм «эконом» қиларканман. Хўш, яхшиси бунга ишхонамиз ёнидаги озик-овқат дўконидан икки кило Индонезиянинг сара чойидан (142 сўмдан 284 сўм), унга қўшиб беш-олти кило шакар харид қилсам-чи. Ие, зўр-у. Эсимдан чиқай депти, уйда «какраз» қуруқ чой тугаган. Ана сизга бозор. Энди мия ҳам ўз-ўзидан ғимир-ғимир ишлаб кетса денг. Ахир, ўзингиз ўйланг, ишхонада тўрт киши биргамиз. Ҳаммамизнинг «жизненный уровень»имизда кунига 1 кутти чекиш бор! Бугуноқ бу масалани тушиқдан кейинги чекувда муҳокамага қўяман, деган фикр келди. Келишдик. Фикримиз бир жойдан чиқди-ям. Хуллас, чекишни ташлаш ҳаракатини бошлашга... келишдик. Бир каллада бир хаёл, минг каллада минг фикр дегандай. Муҳокамамиз қизишиб ҳисоб-китоб «далыше» «оборот» олиб кетди. Яна унча-бунчамаммас.

Ўзбекистонда 23 миллион атрофида одам яшайди. Шундан ўн миллионга яқини эркаклар бўлса, ўртача олганда беш-олти миллион ўн саккиз ёшдан ошганларга тўғри келади. Чекувчилар анчагина бордир. Бу дегани тахминан кунига олтимиш миллион сўмлик сигарет сотилади-сотиб олинади — чеки тугатилади. Ана, гап қаёқда!

Агар Ўзбекистон чекувчилари (тўғриси-да) бир кун чекмасдан, унга сарф бўладиган пулни жамласалар катта бир иморат курса бўларкан. Иморат ҳам гапми, сарой денг. Олайлик, «Саломатлик саройи» деб аташ мумкин. Агар бир ой чекмай, бундан тежалган пул йиғилса била-

сизми, қанча бўлади. Роппа-роса икки миллиард юз миллион сўм! Ахир бу катта, «манаман» деган туманни қанча муддат боқишга етади-я. Ёки Ўзбекистон бўйича аҳоли жон бошига юз сўмга яқин!

Ўйлаб-ўйлаб барча чекувчилар муҳокамасига шундай таклифни ўртага ташлаш жоиз, деган ўйга бордик.

Унинг матни тахминан қуйидагича бўлади:

«Хурматли ва кўп мўътабар чекувчи жаноблар (ва хонимлар)! Келинг, бир мушоҳада қилиб кўрайлик. Ахир, биз ҳаммамиз бирлашсак, катта куч эканлигимизни билдириб қўяйлик. Бир оддий чекувчи, ўзидан сигаретнинг «хушбўй» ҳидинигина таратиб юрвчи, сариқ тишли, «мулойим» овоз сохиблари бўлибгина қолмай, фаолиятимизни янги погоналарга кўтарайлик. Кўполроқ қилиб айтганда, ўзимизни бу падарлаънат «лаззат»лардан биров тияйлик. Масалан, бир кунга. Сигарет (заҳар-а) сотиб миллионер бўлаётган «манаман» деган тужжорларнинг кўзи мошдай очиларкан-қоларкан-ку. Ахир, бир кунда уларга қанча зиён бўлишини сезяпсизми? Бир кутидан бир сўмдан қолган-даям... Агар бир ойга ўзимизни шу кургурдан сакласак нафақат уларни касод қилиб, «инсофлаштириш»га эришамиз, балки ишхоналар-у, кўчалар, турар-жойлар, уйларни тоза ҳаво, саришталик билан таъминлашга жуда катта ва бебаҳо ҳисса ҳам қўшамиз. Ён-атрофимиздаги одамларнинг (чекмайдиганларнинг) хурматига (ахир биз чексак улар биздан кўпроқ заҳарланадилар-ку) сазовор бўлишимиз-чи!

Келинг, ўзимизнинг кимлигимизни бир кўрсатиб қўяйлик. Ҳа, дарвоқе, агар ҳеч бўлмаганда бир-икки кунлик тежалган пулларимизни йиғсак, балки чекувчиларнинг инсофга кирган кунини нишонлаш, ёйинки одамларга яхши тадбирлар уюштириш имкониятимиз ҳам борлигини эътиборда сақлайлик. Фаолият кейин ўз-ўзидан давом этиб, ривожланиб кетаверади. Гап — бошлашда».

Хуллас, шунақа гаплар. Ҳазил-ҳазил билан-у, аммо кўчаларимизда сигарет тутатган чаваңдозларни отдан тушириб қўйиш ҳам (фақат гап билан тушмаяпти-да) ўз қўлимиздалиги рости. Билмадим, балким бунинг учун алоҳида расмий чекувчилар уюшмасими, марказми очиш керакдир, балким улар амалга ошмайдиган хом хаёлдир.

Лекин, рости шуки, энди чекишни ташлайман.

Хусан ЭРМУХАММАД

АБОНЕМЕНТНИ

ТУҒРИ ТУЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементада касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпелини босиши керак.

Бу ҳолда, обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Рўзнома ва ойномага обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштиришганингизда карточкаларини сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан, шунингдек «Матбуот уюшмаси» жадвалидаги қондаларга риоя қилиб тўлдириг.

Манзилгоҳ ўзгартирилганида, ойланинг катакларини ва «ПВ—ЖОПИ» катакларини алоқа бўлими ва «Матбуот уюшмаси» ишчилари тўлдиришади.

Б-715—15.000.000—91 г.

Ажаб!

БАРГАЛДАН БЕНЗИН

Ҳиндистонлик Рамар ғаройиб кашфиёти билан дунёни лол қолдирди. Ёш ихтирочи экспертлар иштирокида челака баргу ўт-ўланлар солди, сўнгра унга лимон кислотаси, озроқ туз ва яна аллақандай оқ кукун қўшиб устини сочиқ билан ўраб қўйди. 15 минутлар чамаси ўтгандан сўнг хонани керосин иси қоплай бошлади. Челакадаги суюқлик филтрдан ўтказилгандан сўнг ёнилги тайёр бўлди.

Кузатувчиларнинг ёқа ушлашдан ўзга чоралари қолмади. Чунки ёнилгида бензиннинг барча хусусиятлари мавжуд эди.

Уддабурон Рамар қандай ўт-ўланлардан фойдаланганлигини айтмаётир. Мадрас штати маъмурияти унга патент олиши учун кўмаклашишга ва ҳозирча кунига 50 литр бензин чиқазадиган кичик заводча қуриб беришга қарор қилди.



— Э-э ҳазиллашма...

А.МУХСИМОВ олган сурат

Муассисларимиз:

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР: Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош хонимиси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатилиш уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91

Раҳматилла БЕРДИЕВ

навбатчилик қилди

Обуна индекси - 64654

Руйхатга олиш № 33

Буюртма Г-0655 21597 нусхада чоп

этилди. Офсет усулида босилди.

Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.